

# AGR

## IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal





# Agroiqtisodiyot

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

## МУНДАРИЖА

4. **Т.ФАРМАНОВ.** Яйлов ерларини таназзуликдан қутқариш: имконият, натижа ва истиқбол
7. **А.МУХТОРОВ, С.РАВШАНОВ.** Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни қўл-лаб-қувватлаш (хориж тажрибаси)
10. **Н.АСКАРОВ, Д.ЯНГИБОЕВ.** Иссиқхоналарда сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг айрим масалалари
13. **А.ABDULLAYEV, J.QOBILOV.** Qishloq xo'jaligini klasterlashning xorijiy tajribasi
15. **A.ALIKULOV, X.ISHTUTDIYEV.** Agroklastarlarda moliyaviy natijalar auditining tashkiliy-uslubiy jihatlari
18. **Z.BAYMURATOVA, A.XASANOV.** Qishloq xo'jaligida agrosanoat klasterini tashkil etish metodikasi
21. **М.АБДУРАИМОВА.** Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини баҳолаш амалиёти
24. **А.АВЛОКУЛОВ.** Аудиторлик текширувларини режалаштириш йўналишлари
27. **А.АЗЛАРОВА, Э.МАХМУДОВА.** Совершенство-вание банковского финансового менеджмента (на примере коммерческих банков Узбекистана)
29. **З.ШОХЎЖАЕВА.** Сув хўжалиги тизимини бошқаришни такомиллаштириш йўллари
32. **З.СИДДИҚОВ, М.АЧИЛОВ.** Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожланишининг ҳозирги дара-жаси
35. **Ш.ТОЖИБОЕВА, З.РАШИДОВ.** Таҳлилий амал-лардан молиявий натижалар аудити сифатини оширишда фойдаланиш
39. **Д.МАТКАБУЛОВА.** Иқтисодиётни легаллашти-риш бўйича илғор хорижий давлатлар тажри-баси
43. **D.ALIMOVA.** The essence and role of resource potential in the activities of service enterprises
46. **А.САТТОРОВ.** Замонавий аудиторлик фаолияти ривожланишининг тарихига назар
48. **Т.НУРЫМБЕТОВ.** Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари ва шартлари
50. **А.НОРОВ.** Давлат харидларидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари
54. **С.НОРМУРОДОВ, Р.РАФИҚОВ.** Уй-жой фон-ди ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари
56. **И.НИЁЗОВА.** Дуал таълим - профессионал таълим самарадорлигини ошириш омили
59. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ.** Чорвачиликда харажатлар аудитини ташкил этиш ва услубиятини тако-миллаштириш
63. **М.МИРХАЙДАРОВА.** Банklar фаолияти са-марадорлигини оширишнинг институционал асослари
66. **И.КЕНЖАЕВ.** Инвестицион фаолиятни моли-явий бошқариш механизмнинг илмий-наза-рий асослари
68. **Т.ДЖУМАНОВ.** Агрокластерлар самарадорли-гини таъминлашнинг иқтисодий мазмуни ва унинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашдаги аҳамияти
72. **Ҳ.ТУРОБОВА, Ш.БОЛТАЕВА.** Қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантиришдаги му-аммолар
76. **А.BURXANOV.** Qishloq xo'jaligida innovatsiyon faoliyatni rivojlantirish - potentsiyal imkoniyatlar
79. **J.SAUXANOV, S.DANIYAROV.** Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligining hududiy oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashdagi o'rni
81. **Ж.БОЛТАЕВ.** Тўғридан-тўғри хусу-сий чет эл инвестициялари ишти-рокидаги юридик шахсларга солиқ солиш механизмини такомиллаштириш
84. **М.АБДУРАХМАНОВА.** Тижорат банклари капи-талини самарали бошқариш механизмлари
87. **А.ЮСУПОВ.** Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг айрим жиҳатлари
90. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, М.ЮСУПОВА.** Чорвачиликка ихтисослашган корхоналарда биологик активлар аудитини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари
93. **К.АРТИКОВ.** Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари даромадларини ҳисобга олишнинг ўзига хос жиҳатлари
95. **F.RAKHMATULLAeva.** The role of structural change management in the sustainable development of the regional economy
98. **U.SADULLAYEV.** Classification of factors affecting livestock intensification
101. **Н.АЛИЕВА.** Тармоқ корхоналарини ривожлан-тиришда инновацион менежмент усуллари қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
105. **И.МЕЛИЕВ.** Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ташкил этиш масалалари

# Agroiqtisodiyot

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

## МУНДАРИЖА

108. **Н.ОДИНАЕВА.** Олий таълим муассасалари фаолиятини бошқаришнинг замонавий моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
111. **N.ОСИЛОВА.** Analysis of factors affecting agriculture
114. **Б.ТАШБАЕВ.** Давлат қарз сиёсати ва унинг самарадорлиги таҳлили
117. **О.ХУШМУРАДОВ, Х.ХУЖАКУЛОВ, Ш.ТУРОБОВ.** Пахтачилик йўналишидаги ислохотларни такомиллаштириш масалалари
123. **Sh.QURBONOV.** The importance of providing citrus fruits
125. **М.ХОДЖАЕВА, М.АБДУЖАБОРОВА.** Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг дастурий таъминотини яратиш аҳамияти
128. **N.ОМАНОВА.** Korporativ madaniyat samaradorligini oshirish vositasi sifatida gibrid ish modelini amaliyotda qo'llash
131. **Ф.ХУДАЙБЕРДИЕВА, Н.МУСАЕВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш моҳияти ҳамда устувор вазибалар
133. **О.ХОЛМУРОДОВ.** Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш
137. **М.ХАҲТВОУЕВ.** Tovar-moddiy захиралар hisobining nazariy-uslubiy asoslarini takomillashtirish
140. **А.ТОШБОЕВ.** Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва хавфсизлик муаммолари
143. **U.ABDUG'ANIYEV.** Yashirin iqtisodiyot ko'lamini aniqlash metodlari va ularning o'ziga xos xususiyatlari
146. **T.JUMABOEV.** Xalqaro standartlar asosida moliyaviy hisobot auditini tashkil etish xususiyatlari
149. **М.ИНОЯТОВА.** Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш - давр талаби
151. **И.ОЧИЛОВ.** Хизмат кўрсатиш кластерларининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий самарадорлиги таҳлили
153. **U.TUXTAYEV.** Turizm industriasini rivojlantirish va raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy-nazariy asoslari
155. **Ж.ХАЙТБАЕВА.** Замонавий ускуна spad-502 кўрсаткичи асосида азот ўғитини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги
157. **К.ХАТАМОВ.** Асосий воситалар ҳисобини халқаро ва миллий стандартларда акс эттириш масалалари
159. **А.ЭШЕВ.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва баҳолашда стратегик моделни ишлаб чиқиш
162. **F.YUSUPOVA, S.ABDULLAEVA.** The main directions of development of dekhkan farms of dairy production
166. **Ж.ФАРМАНОВ.** Иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти
169. **К.КАЛЕНОВ, Н.ИБРАГИМОВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашнинг метадалогик асослари
172. **Н.АКВАРОВ.** Bog'dorchilik mahsulotlarini ishlab chiqarishga ta'sir etuvchi omillar
174. **М.ИСМАИЛОВА.** Анализ базы данных финансовых результатов и методы его совершенствования на основе международных стандартов
177. **У.ЭШМУРАДОВ.** Агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришишлар ҳисобини такомиллаштириш
180. **С.ДАВЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболлари
182. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Мамлакатимизда узум етиштириш ҳолати таҳлили ва экспорт қилиш истиқболлари
184. **А.ХАТАМОВ.** Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳасининг тутган ўрни ва унинг аҳамияти
186. **Ш.САИПНАЗАРОВ.** Қимматли қоғозлар бозорида молиявий инжиниринг истиқболлари

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

1 (27), 2023

**Бош муҳаррир:** Тулқин ФАРМАНОВ

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Алишер ШУКУРОВ  
Саидасрор ҒУЛОМОВ  
Норқул ҲУШМАТОВ  
Ражаббой ДУСМУРАТОВ  
Фотима НАЗАРОВА  
Ирода РУСТАМОВА  
Акмал ҚОСИМОВ  
Яшнаржон АЛИЕВ  
Азиз КАРИМОВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ  
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ  
Назимжон АСКАРОВ  
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ  
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

## **МУАССИС:**

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда  
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2023

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАР



**Хулкар ТУРОБОВА,**

Бухоро давлат университети доценти, PhD

**Шахноз БОЛТАЕВА,**

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада ривожланган давлатларнинг кооператив ҳаракати тажрибаси ўрганилган. Ўрганиш давомида анъанавий кооперативларда учрайдиган билетсизлик (Free-rider problem), горизонт, портфолио, назорат ва харажатга таъсир қилувчи муаммоларга эътибор қаратилган.

**Аннотация.** В статье исследуется опыт кооперативного движения развитых стран. Во время исследования встречается в традиционных кооперативах проблема безбилетника, фокус на горизонте, портфеле, вопросах контроля и стоимости.

**Abstract.** The article examines the experience of the cooperative movement of developed countries. During the research, found in traditional cooperatives focused that is, free-rider problem, horizon, portfolio, control and cost impact problems.

**Ж**аҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида субъектларнинг ўзаро манфаатдорлиги, рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган хўжалик юритишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан саналади. Шу боис, ишлаб чиқаришда юзага келадиган салбий таъсирларни кооперация муносабатларини такомиллаштириш асосида зарарсизлантириш имкониятларидан кенг фойдаланиш тобора кўпроқ кузатилмоқда. Антропоген омилларнинг салбий таъсири натижасида кузатилаётган экологик инқирозлар, иқлим ўзгариши, пандемия шароитида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кучайиши даврида кооперация замонавий иқтисодий тизимнинг самарали қисми сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, кооперативларга бирлашиш орқали ҳамкорликдаги манфаатларга эришиш ғоя ва амалиёти Юнесконинг номоддий маданият рўйхатига киритилиши ҳам бежиз эмас.

Кооперация замонавий иқтисодий тизимнинг бир қисми сифатида бозор иқтисодиётининг оғир шароитларида, айниқса глобаллашув даврида ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли учун объектив равишда зарур бўлган иқтисодий тизимдир.

Мамлакатимизда кооперация муносабатларини ташкил этишда жаҳон тажрибасини ўрганиб, юз берган хато ва камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда амалиётда қўллаш зарурдир. Шундагина ташкил этилувчи кооперация муносабатлари самарали бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кооперация самарали тадбиркорлик фаолияти йўли билан

ўз аъзолари ва аҳолининг маҳсулот, ишлар ва хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда бирлашган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкига асосланган ижтимоий хўжалик юритиш шаклини ўзида намоён этади.

Кооперация муносабатлари ва кооперативлар фаолиятини ўрганиш ва уни самарали амалий тажрибаларини иқтисодиётнинг турли соҳаларига ва тармоқларига қўллаш кўпгина олимлар ва мутахассислар назарий ва амалий тадқиқотларининг мавзуси бўлиб келган. Хусусан, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича кўпгина хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борганлар.

Кооператив ҳаракат бўйича кўзга кўринган олим, профессор А.Ф.Лейдлоунинг фикрича, “кооперация ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳеч қандай муайян концепция ва ижтимоий назарияларга асосланмаган, у жамоатчилик каби кўплаб ғоялар ва қарашлар бирлашмасига асосланади. Катта кучга эга бўлиш учун заифликни бирлаштириш, адолат билан фойдани қандай тақсимлаган бўлса, зарарни ҳам шундай тақсимлаш, умумий манфаатга эга бўлган шахсларнинг иттифоқи ва ўзаро ёрдамга асосланади [1].”

Ш.Жиднинг фикрича, кооперативларни ривожлантириш орқали маълум етишмовчиликлардан жабрланувчи замонавий ишлаб чиқаришни биринчи навбатда, инсонларни шахсий эҳтиёжларини қондирадиган истеъмол жамиятларини, асосан савдо билан шуғулланадиганларини яхшилаш мумкин. У

**Калит сўзлар:** кооперация, қишлоқ хўжалиги, билетсизлик, горизонт, портфолио, назорат ва харажатга таъсир қилувчи муаммолар.

кооперативни одамларни бирлашмаси эканлигини айтиб, иқтисодий, ижтимоий ва таълимга етишиш мақсадида хўжалик фаолиятини амалга ошириш йўлидир дейди. Жиднинг фикрича, кооператив нафақат бир мунча ҳаёт тарзини яхшилабгина қолмай балки, кенг жамоатчиликни янгилаб туриш учун хизмат қилиши керак [2].

Ўзбек олимларидан Ш.Ж.Эргашходжаева кооперацияга қуйидагича таъриф беради. “Кооперация-биргаликдаги меҳнат ёки фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида рентабелли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик юритишнинг замонавий талабларига мослашиш шакли ҳисобланади” [3].

Б.Н.Наврўз-зода ва Т.Ҳ.Фармонов таҳрири остида чоп этилган “Фермер хўжаликлариди иқтисодий муносабатларни ривожлантириш” номли монографияда кооперация муносабатларига қуйидагича фикр билдирилган, яъни “кооперация муносабатлари – маълум ва аниқ мақсад асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига эришиш учун хўжалик субъектларини ўзаро эркин, ихтиёрий ва кўнгилли равишда бирлашишлари ҳисобланиб, бу ҳамкорлик натижасида ижтимоий-иқтисодий манфаатларга эришиш бош меъзон ҳисобланади. Илмий-амалий жиҳатдан мазкур мақсадга эришиш учун бирлашиш кооперативнинг ҳар бир аъзоси ва кооператив учун бир хил даромад келтиради, шахсий ва кооператив жамоаси манфаатларига мос келади ҳамда уларни қониқтиради деган маънони англатади” [4].

О.Муртазаев томонидан қишлоқ хўжалигида кооперациянинг зарурияти: қишлоқ хўжалиги майда товар ишлаб чиқарувчилари яхлит ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок эта олмаслиги; давлат корхонасидан фарқ қилиши билан яъни а) ўз аъзоларини эҳтиёжларини қондиришга ҳисса қўшади, жамиятни эмас; б) кооперативга бирлашмаган бошқа одамларга нисбатан кооператив аъзоларининг қулай ижтимоий-иқтисодий шароитлардан қониқишларига ёрдам беради [5].

Асосан, кооператив бу фойда ёки фойдаланишга асосланиб тенг тақсимланадиган фойдаланувчига тегишли ва фойдаланувчи томонидан бошқариладиган бизнесдир [6].

Ҳозирги дунёда кооператив ҳаракат тажрибаси барча жиҳатлардан диққат билан ўрганилиш ва амалий фойдаланишга лойиқ, чунки кооперация инсон фаолиятининг интернационал ҳодисаси. Чет элда кооператив фаолиятни ўрганишнинг амалий аҳамияти яна шундаки, у халқаро нуқтаи назаридан ўзаро фойдали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни яхшироқ амалга оширишга имкон беришдан иборат [7].

Кооперацияга оид хорижий адабиётларни

кузатишимиз натижасида кўпгина тадқиқотчилар (масалан, Vitaliano, 1983; Porter ва Scully, 1987; Cook, 1995; Royer, 1999) томонидан кооператив аъзолари учун ноқулайлик келтириб чиқарган анъанавий кооперацион ташкилий шаклга хос бўлган муаммоларга эътибор қаратилган. Яъни, улар билетсизлик (Free-rider problem), горизонт, портфолио, назорат ва харажатга таъсир қилувчи муаммолар.

Билетсизлик (Free-rider) муаммоси. Унга кўра «бу умумий мулк муаммосининг бир тури бўлиб, мулк ҳуқуқи соғилмаслиги ёки етарли даражада аниқланмаганлиги ва жисмоний шахслар ўз ҳаракатларининг тўлиқ қийматини (харажати қоплашни) олишлари ёки фойда олишларини таъминлаш учун етарли даражада аниқланмаган ва амалга оширилмаганлигини билдиради [10,11].

Умумий мулкчилик муаммоси кооператив аъзоларининг кооперативга киритган инвестициялари ва ушбу инвестициялар орқали олинган фойда тақсимоги ўртасидаги тенгсизлик билан боғлиқ. Тахмин қилинишича, ушбу тенгсизлик ташқи ва ички фрирайдерларнинг (яъни, кооператив ташкилот аъзолари ва аъзолари бўлмаган) пайдо бўлишига, шунингдек кооперативнинг эски ва янги аъзолари ўртасидаги қарама-қаршиликка олиб келади. Таниқли америкалик тадқиқотчи П. Виталиано таъкидлашича, кооператив ташкилотига аъзолик учун тўланган бошланғич улуш учун янги ҳомий ташкилотнинг даромадига тенг ҳуқуқларга эга бўлади ва ташкилий жараёнда қатнашиш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади [8].

Аллақачон мавжуд бўлган аъзолар камдан кам ҳолларда дастлабки бадалларни тўлашлари ёки ўз ҳуқуқларининг қийматига тенг миқдорда сармоя киритишлари талаб этилади” [8]. Шу муносабат билан кооператив аъзолари турли кичик гуруҳларининг қизиқишлари ва имтиёзларини вақтнинг турли уфқларига қараб фарқланиши юзга келади.

Free-rider муаммосида ички ва ташқи муаммолар кўпинча анъанавий кооперативлар билан боғлиқ бўлмоқда. Free-rider муаммоси ички муаммосига (умумий мулкчилик муаммосига) келсак, анъанавий кооперативда қолдиқ даъволар ҳуқуқи сармоялар билан эмас, балки ҳомийлик (патронаж) билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, янги аъзолар мавжуд аъзолар каби бир хил ҳомийлик ва қолдиқ ҳуқуқларга эга бўлишади, гарчи янги аъзолар пропорционал фойдаланишлари учун олдиндан инвестициялар киритишлари шарт эмас. Free-rider муаммосининг умумий тенденцияси – ҳар бир аъзога пул оқимини кўпайтирадиган ечимларни рағбатлантиради. Бу мавжуд аъзолар даромадларининг пасайиши сабабли кооперативга маблағ киритишни истамаслигини келтириб чиқаради [8,10,11].



**Горизонт муаммоси.** Ушбу муаммо «ишти-рокчининг активдан олинган соф даромадга бўлган даъволари активнинг яроқлилик муддатидан қисқа бўлса» пайдо бўлади [10]. Мулк ҳуқуқлари назариясига кўра, горизонт муаммоси пул оқимида бўлган қолдиқ ҳуқуқларнинг ташкилотдаги аъзолик ва ҳомийлик билан туғашига боғлиқ. Қолган аризачилар инвестицияларидан фойда олишлари мумкин фақат кооперативга аъзо бўлиш даврида. Бу кооператив аъзолари ўртасида турли кичик гуруҳларнинг инвестицион имтиёзларининг фарқланишига ва пировардида қисқа муддатли инвестиция қарорларини қабул қилишнинг умумий тенденциясининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, қолдиқ ҳуқуқлар уфқлари муаммоси сармоявий ҳаракатлар ва кооперативларнинг ташкилий ўсиши учун катта аҳамиятга эга [9]. Анъанавий кооперативлар горизонт муаммоларидан жорий тўловлар сифатида иштирокчилар ўртасида тақсимланадиган қолдиқ даъволарга бўлган ҳуқуқларнинг тузилиши туфайли азият чекмоқда. Шундай қилиб, иштирокчининг инвестициялардан оладиган фойдалари у кооперативни қўллаб-қувватлашни кутаётган вақт (горизонт) билан чекланади [8,11]. Бунинг натижаси шундаки, кооперативлар узоқ муддатли тўлов активларини (масалан, тадқиқот ва ишлаб чиқиш ва маркетинг) кам баҳолайдилар. Шу сабабли, директорлар кенгаши ва менежерлар қўшимча активларга маблағ сарфлаш ўрнига аъзоларга жорий тўловларни кўпайтиришга ва тақсимланмаган даромад орқали акцияларни сотиб олишни тезлаштиришга мажбур бўлмоқдалар [10,11].

**Портфолио муаммоси.** Кук буни кооператив нуқтаи назаридан «акцияларни сотиб олишнинг яна бир муаммоси» деб атайди. Ушбу муаммо оддий кооперативларда юзага келади, чунки аъзолар «кооперативга уларнинг фойдаланишига қараб маблағ киритадилар ва кооперативдаги улушлар, қоида тариқасида, эркин сотиб олинмайди ва сотилмайди. Шу сабабли, иштирокчилар шахсий инвестиция портфелларини шахсий бойликлари ва таваккалчилик имтиёзларига кўра диверсификация қила олмайдилар [10]. Бу кўпроқ инвестициялар портфеллари ва кооперативлар аъзоларининг таваккалчилигига олиб келади.

**Назорат муаммоси.** Мулкчилик ва бошқариш алоҳида бўлган ҳар қандай ташкилот, маълум даражада, асосий вакил билан (масалан, кооператив аъзолари ва уларнинг вакиллар кенгаши) ва агент (менежмент) ўртасидаги манфаатларнинг тафовути сабабли муаммоларга дуч келади[10]. Оддий кооперативларда манфаатларнинг бундай тафовутининг олдини олиш «акцияларни алмашиш учун бозорнинг йўқлиги ва бошқа фирмалар учун акцияларни рағбатлантириш механизмлари-

нинг йўқлиги сабабли» катта муаммо бўлиши мумкин[11]. Кооператив акциялар учун фонд бозорининг йўқлиги аъзолар ўз кооперативларининг қийматини назорат қила олмасликларини ёки менежерлар ишини баҳолай олмайдилар деган маънони англатади. Илипоулос ва Кук (Iliopoulos C., Cook 1999: 80) тадқиқотлари шуни кўрсатадики, «нисбатан кичик ўлчамдаги кооперативларда ягона мақсад ва бир хил аъзолик билан тавсифланган (индивидуал аъзолар манфаати нуқтаи назаридан), бошқарув муаммоси жиддий бўлмалиги мумкин».

**Таъсир харажатлари муаммоси.** «Таъсир харажатлари - бу аъзолар ёки гуруҳларнинг ташкилотдаги бойлик ёки бошқа даромадларни тақсимотида таъсир кўрсатадиган фаолияти харажатларидир»[11]. Кук таъкидлаганидек, кенг кўламли фаолият билан шуғулланадиган кооперативда унинг аъзолари орасида турли мақсадлар таъсир кўрсатадиган ҳаракатларга олиб келиши мумкин. Ушбу тўғридан-тўғри таъсир харажатлари ресурсларни тақсимлаш нуқтаи назаридан фаолият ва нотўғри қарорларнинг харажатларини ўз ичига олиши мумкин. Таъсирнинг даражаси қуйидагиларга боғлиқ: аъзолар учун харажатлар ва фойда тақсимотида таъсир кўрсатадиган марказий ҳокимиятнинг мавжудлиги, қарорларни қабул қилишни талаб қиладиган процедуралар ва аъзолар ўртасидаги бир хиллик ёки низо даражаси [10].

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг таркибий-ташкилий моделларини шакллантириш ва стратегиясини танлашда асосан ўзаро алоқадор ва боғлиқ бўлган учта ташкил қилувчи омил, яъни, «бозор муҳити-стратегия-ташкилий тузилма» эътиборга олинади. Чунки, кооперативларнинг самарали ишлаши бозор муҳитига, танлаб олинган бозор стратегиясига ва кооперативнинг аниқ белгилаб олинган ташкилий тузилмасига боғлиқ. Бу кооператив модели бошқа анъанавий моделлардан ўзининг принциплари ва мулкчилик ҳуқуқи билан фарқланиши зарур.

Классик кооператив тамойиллари бозор муҳити таъсирида фарқланиш хусусиятларга эга. Бу ўз навбатида кооперативларга шу муҳитдаги ўзгаришлар жараёнига боғлиқ равишда ҳам афзалликлар, ҳам ноқулайликлар келтириб чиқаради. Анъанавий кооператив моделлари ҳажм жиҳатдан самарага эришиш учун трансакциялар ҳажмини ўсишини таъминлайди, лекин қўшимча қиймат яратишни рағбатлантирмайди. Юқори сифат даражасидаги ва рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш маълум бир миқдорда инвестиция сарфлашни талаб қиладди.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминоти тизимида рақобатбардош бўлиш, аграр ишлаб чиқариш соҳасида қўшимча қиймат яратиш занжири-

ни ривожлантириш, янги брендларни яратиш, халқаро бозорларга кириш имкониятларини кенгайтириш, маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш жараёналарига инновация ва инвестицияларни жалб қилиш асосида модернизация ва диверсификация қилиш каби стратегик вазибаларни самарали ҳал этишдаги роли ва аҳамияти туфайли бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин эгаллаб, ривожланиш тенденциясини сақлаб қолмоқда.

Бу инновацион ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар умуман олганда ўз ичига инвестицион фаолиятни, қисман давлат улуши мавжуд бўлган шўъба ва тенг ҳуқуқли қўшма корхоналарни, масъулияти чекланган жамиятларни, барча инфратузилма субъектларини ва, шунингдек, акцияларни олади, лекин, улар янги авлод кооператив шакллари ва фаолиятларининг ривожланишига зид эмас, балки аксинча, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ташкил этишга замин яратади. Шу сабабдан, бугунги кунда бу янги ташкилий капитални шакллантириш амалиёти ишлаб чиқарувчи субъектлар, бошқарув органлари, молиявий институтлар ва олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Маълумки, қий-

мат назариясига асосан капитал бу қўшимча қиймат яратувчи қийматдир. Демак, қишлоқ хўжалик кооперативлари ҳам қўшимча қиймат яратиш нуқтаи назардан ташкилий капитал сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Янги авлод кооперативлари мулкчилик ҳуқуқини ўтказиш, яъни аъзо-мижоз гуруҳлар ўртасида сотиш тартиб-қоидалари ўрнатилган шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Бунда мулкчилик ҳуқуқига нисбатан аъзо-патронлар чекланган, яъни, янги аъзо кириш тақиқланган, лекин, аъзоларга ўзаро ўтказиб бериш ҳуқуқига пропорционал тарзда инвестициялар киритиш талаб этилади. Унинг асосий афзалликлари шундаки, бу модел капитал рискин кооперативга ўтказиш орқали аъзоларни рағбатлантириш ва таъминот тизимини биргаликда назорат қилиш имкониятларини яратади.

Ўзбекистонда ҳам ривожланган давлатлардаги кооператив ташкилотларда юз бераётган юқорида таъкидланган муаммо ва таҳдидлар юз бермаслиги учун “янги авлод кооперативлари”ни ташкил этиш муҳимдир.

#### ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Лейдлоу А.Ф. Кооперативы в 2000 году. /XXVII конгресс Международного кооперативного альянса, 13-16 октября 1980 г. Повестка дня и доклады. – М., 1980. – С. 215-216.
2. Жид Ш. О кооперации: Пер. с фр. – М., 1918. – С.62-63.
3. Эргашходжаева Ш.Ж. Қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Монография.Т.: “Фан” нашриёти. 2006.6-7 бетлар.
4. Наврўз-зода Б.Н., Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларидида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш. Монография. Бухоро, “Дурдона” нашриёти. 2017. 105-бет
5. Муртазаев О. История развития кооперативов в Узбекистане и их преобразование на современном этапе//Discussionpaper.2018 (IAMO). Стр. 20. <https://www.econstor.eu/bitstream/>
6. Barton DG (1989). What is a cooperative? In Cooperatives in agriculture, ed. D. Cobia, 1-20. New Jersey, USA: Prentice-Hall, Inc.
7. Буздалов, И.Н. Возрождение кооперации . И.Н. Буздалов – М.: Экономика, 1990. 175с.
8. Vitaliano P. Cooperative enterprise: an alternative conceptual basis for analyzing a complex institution. 1983. Цит. по: [22. P. 385.]
9. Дешковская Н.С. Современные проблемы исследования сельскохозяйственной кооперации// <https://cyberleninka.ru/article/>.
10. Cook M.L (1995). The future of U.S. agricultural cooperatives: A neoinstitutional approach. American Journal of Agricultural Economics 77(5):1153-1159.
11. Royer J.S (1999). Cooperative organizational strategies:A neo-institutional digest.Journal of Cooperatives 14: 44-67.
12. Iliopoulos C & Cook ML (1999). The internal organization of the cooperative firm: An extension of a new institutional digest. Journal of Cooperatives 14:77-85.
13. Володина Н.Г. Формирование и развитие организационных моделей сельскохозяйственной кооперации. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. док.эконом. наук. М.: 2010. Ст.43.



## Хурматли журналхонлар!

“**AGROIQTISODIYOT**” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзусидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар **ўзбек, рус ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири **8 бет**дан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал билан 14 шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация ва калит сўзлар илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси** кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz) орқали ҳам юборишингиз, қўшимча маълумотлар учун эса қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази**нинг веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда [www.ooqxssrtxm.uz](http://www.ooqxssrtxm.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: **100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.**

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Таҳририят:  
Мусахҳих: **Янгибоев Д.**  
Дизайнер-саҳифаловчи – **Садуллаев У.Н.**

Таҳририят манзили:  
100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани  
Университет кўчаси, 2 уй.  
Тел.: (+0371) 2605230  
Факс: (+0371) 2605230  
E-mail: [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz)

Бичими 60x84 1\8 (4 б.т.). Адади 150.  
Чоп этишга 31.01.2023 йилда рухсат  
этилди. 8/15 сонли бюртма.

Уч ойда бир марта чиқади.  
Баҳоси келишилган нархда.

“**AGROIQTISODIYOT**” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.